




# ТОШКЕНТ ОҚШОМ



**ДАВР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛАНГАН СЎНГҲА ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Жаҳон банки вице-президенти Йоханнес Линн қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги алоқалар кўламини кенгайтириш, хусусан, яқин йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегияси, янги лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш имкониятлари хусусида фикр алмашилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Чехия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Ярослав Людвигдан, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Мартин Хекердан Ишонч вриқларини қабул қилиб олди.

● Олий Мажлис Иқтисодий иттифоқи қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси ҳузурда ташкил этилган ишчи гуруҳининг мажлисида республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилиши тўғрисидаги масала қўриб чиқилди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида бўшаб қолган ўринларга 22 октябрь кунини ўтказилган Олий Мажлис депутатлари сайловининг яқунлари қўриб чиқилди.

● Кеча Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик қўмиталарининг олтинчи қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

● Республика Байналмилал маданий марказида Хитой Халқ Республикасининг Миллатлар ишлари бўйича қўмитаси халқаро бўлими раиси Тевексол Тиливалди бошчилигидаги делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги битимга эришилди.

● Давлат Матбуот қўмитасида матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва мақсуд соҳада қўлланилаётган техникани такомиллаштириш ва янги технологияларни ўзлаштириш масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.

● Бухоро тиббиёт институтида шарқ табobati деб аталган янги кафедра очилди.

● Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳамда «Ўзбекистимаҳсулот» акционерлик компанияси ҳамкорликда Хўжайкон тўз қонидан Испания технологияси асосида олий ва йодланган ош тузи олинган завод қурилишининг техник-иқтисодий асослари ва лойиҳасини ишлаб чиқди.

● Ўзбекистон хотин-қизлар нодавлат ташкилотлари «Меҳр» бирлашмасининг Қашқадарё вилоят бўлими тузилди.

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган № 128 (9.472) 2000 йил 27 октябрь, жума Сотувда эркин нархда

## «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар»

«Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши мўқаррар. Шу маънода, бундай хавф-хатарларга қарши асосий қурол сифатида юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, аввало, униб-ўсиб келаётган янги авлодининг ҳар томонлама барқамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб воғая этиши учун кенг жамоатчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти беқиёсдир».

«Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» номли рисола Президентимиз Ислам Каримовнинг бугунги ҳаётимиз, келажак тараққиётимиз учун ғоятда долзарб аҳамиятга эга бўлган ана шу сўзлари билан бошланади.

Рисола Президент Ислам Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари, чиқишларида билдирилган миллий истиқлол ғояси ва мақсудларининг устувор тушунча ва тамойиллари ҳақидаги фикрлари асосида тайёрланган. Беш қисмдан иборат бўлган бу рисолада миллий ғоя ва мақсуд тушунчалари, уларнинг халқлар ва давлатлар тарихига таъсири, глобаллашув жараёнлари кечаётган ҳозирги шароитда мақсудларининг сиёсатининг ўрни, Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ғояси, унинг асосий тамойилларини халқимиз, аввало, ёш авлод қалби ва онига сингдириш каби масалалар мухтасар тарзда баён этилган.

Китобда халқни буюк келажак ва улғувор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-содати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг баёбоқ мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва камил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш — миллий истиқлол мақсудларининг бош мақсади экани таъкидланади.

Рисола мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртинларининг ўқитувчилари, олим ва мутахассислар, шунингдек, бошқа таълим-тарбия, маданий-маърифий муассасалар ходимларига маъруза ва сўхбат матнлари, дарслик ва қўлланмалар тайёрлаш, дастурлар тузиш учун асосий манба сифатида тавсия этилади.

Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамиятининг ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган ушбу рисолада миллий истиқлол ғоясининг барча илмий-назарий муаммоларини ба-тафсил бриташи мақсади қўйилган. Бинобарин, мақсуд масалаларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларнинг мазо-но-мазмунини кенг очиб бериш, бу бордада илмий изла-ниш ва тадқиқотлар олиб бориш, махсус дарслик ва қўллан-малар яратиш — ижтимоий фан соҳаси мутахассисларининг вазифасидир.

(ЎЗА).

## Курилиш БУНЁДКОРЛАР ҲИММАТИ



Шаҳримизнинг Хамидхонов кўчасида бунёд этилган 54 бахтиёр оилаларга мўлжалланган 9 қаватли уй Собир Раҳимов туманига ўзгача кўрк бахш этди. Қурувчиларнинг ушбу соғвасидан мамнун хонадон соҳиб-лари уйнинг кенг, шинам ва замонавийли-гидан, барча қўлайлик-лар мавжудлигидан миннатдор бўлишмоқда.

Бугунги кунда эса ана ўша 3-уй ёнида ана бир тўққиз қаватли турар жой биноси қад ростламоқда. Ушбу 2-уйни ҳам «Ўзуй-жойжамғармабан» бюорт-масига кўра «Ўзжойқури-лиш» ҳиссадорлик жамия-тининг 1-қурилиш конвей-ери бунёдкорлари қуриш-моқда. Албатта, қурилиш материалларининг ўз ва-қтида етказиб берилиши қурилиш-тиклаш ишлари-нинг маромида олиб бо-рилишига асосий омил бўлмоқда.

Ушбу қурилиш конвей-ери бунёдкорлари шаҳри-мизнинг қўлпа уй-жой қурилишларида ўзига хос тажриба тўплаган. Госпи-лат даҳасидаги уларнинг самарали меҳнати билан қад ростлаган бинолар ҳам

шаҳримизга чирой, ҳам хона-дон эгаларига жуда шинам ва қўлай турар жойдир.

— Ушбу уй қурилишини шу йилнинг февраль ойида бош-лаганмиз, — дейди ишбоши Сотволди Абдукаримов. — Барча юмушларни лойиҳа асосида амалга ошираётгани-миз ўз самарасини бермоқ-да. Асосий мақсадимиз си-фатли, оилалар аъзолари мамнун кайфиятда яшайдиган турар жой биноларини бунёд этишдир. Шу боис ҳам қурув-чиларимиз имкониятларини

ҳамжихатликда ишга солиш-моқда.

Айни кунларда тиклаш иш-лари билан биргаликда пар-дозлаш юмушлари ҳам бош-

## ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК! ТЕМИРҲЎЛ ТАРИХИ ЖОНЛанади

Ўзбекистон темирҳўли ўзининг бой тарихига эга, ўтган давр мобайнида ўзбек темирҳўлчиларининг қатор авлоди етишиб чиқди.

Темир йўл соҳасида хиз-мат кўрсатган юртдошлари-мизнинг меҳнатлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ бўлиб, бугунги ишларимиз фаоли-ятида ибрат намунаси сифа-тида муҳим ҳисса қўшмоқ-да. Республикаимиз темир-йўлчилари босиб ўтган йўллари, анъаналарини кенг тарғиб этиш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик компаниясида алоҳида музей ташкил этишга қизғин таъйёрлик бошлаб юбо-риди.

Ончилиши мўлжалланаёт-ган Ўзбекистон темир йўл тарихи музейи экспонатлар-

га бой бўлади. Унинг бир неча бўлими темир йўл тарихи йилномаларига бағиш-ланади. Қарор топган меҳ-нат анъаналарини ўзида акс эттирувчи экспонатлар ҳам томошабинларда қизиқиш уйғотиши турган гап.

Еш мутахассис кадрлар-нинг маънавийят олами, уларнинг она Ватанга, ша-рафли қасбга бўлган меҳр-муҳаббат ва садақати ҳақида хикма қилувчи эк-спонатлар ҳам қўлпа тай-ёрланмоқда. Янги музей пойтахтимиздаги темир йўлчилар маданият саройи қошида фаолият кўрсатади.

Анвар АЗИМОВ.

## ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БИР КУНИ

Иқтисодий • Ижтимоий соҳа • Маданият

Сотлом авлод йилида ана қўлпа оилаларни ўз бағрига оладиган 9 қават-ли замонавий ушбу уй фойдаланишга топшири-лади. Хонадон эгаларининг мана шу янги уйда яйраб яшашлари учун бунёдкор-лар бутун куч ва имкони-ятларини ишга солишмоқ-да. Янги хонадонлар, ал-батта, ҳадемай эгаларига насиб этади.

Дилноза ГИЁСОВА. СУРАТЛАРДА: қад ро-стлаётган 2-уй; қурувчи-лар Петр Матмуродов ва Сергей Яковлев доимо пешқадамлар сафида. Сергей Любич олган суратлар.

## Аҳолига қўлайлик «МЕРСЕДЕС-БЕНЦ»ЛАР КўПАЯДИ

Республикаимиз пойтахти кўчаларида аҳоли узогини яқин қилаётган транспорт воситалари орасида «Мерседес-Бенц» автобуслари ҳам таваллийгина. Германияда «Мерседес-Бенц автобус» фирмаси томони-дан ишлаб чиқарилган бундай транспорт воситалари ўзининг ташқи кўриниши ва ички тузилиши билан йўловчилар эътиборини тортмоқда.

Тошкент шаҳар йўловчи ташқи транспорт қорхоналари Давлат уюшмаси бюортомаси билан бундай қўлай автобус-лардан 277 таси шаҳримизга олиб келинган. Уларнинг ҳар бири шу кунгача 450 минг километрдан ортқ йўл юриб, техник жиҳатдан мустаҳкамлигини кўрсатди.

Айни вақтда уюшма «Мерседес-Бенц Тюрк АШ» немис-турк ҳиссадорлик жамияти билан ҳам алоқа боғлаб, янги русумдаги автобусларни Тошкентга олиб келиш тадбирла-рини кўрди. Бундай ҳамкорлик натижаси ўлароқ мақсуд ҳиссадорлик жамияти томонидан чиқарилган «Мерседес-Бенц 0345» русумли автобуслардан иккитаси уюшма ишти-роғига берилди.

Ҳозир улар пойтахтимиздаги 2 ва 8-автомобил саройлари хизмат қилаётган транспорт йўналишларида қатнаб, йўлов-чиларга манзур бўлмоқда. Тажриба-синов мuddати ўтган, «Мерседес-Бенц 0345» русумли автобуслари Тошкентга қўлпа олиб келиш тадбирлари қўрилади.

Аҳмад ВАЛИЕВ.

## «ХАМСА — 2000» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ

пойтахтимизнинг йирик мада-ний масканларидан бири — «За-рафшон» концерт мажмуида «Хамса — 2000» деб номланган биринчи Халқаро фольклор мода фестивалининг очилиши бўлиб ўтади.

«Хамса — 2000» фестивали Ўзе-бекистон ишбилармон айлар уюш-маси ва унинг қошида саккиз йил-дан бери фаолият кўрсатиб кела-ётган «Зумрад» маданий маркази ташаббуси билан ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, пойтахтдаги бир неча элчихона ва ваколатхоналар ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Анжуманда ўнга яқин давлатлар-нинг 40 дан зиёд либослар тўпла-ми намойиш қилиниши, улардан 12 тасини Ўзбекистон модельерлари тақдим этиши, фестиваль доираси-да Бангладеш ва Малайзия халқла-рининг гўзал миллий либослари ҳам кўрсатилиши кўзда тутилган.

Айтиб ўтиш жоиз, анжуманга тақдим қилинаётган ранг-баранг ўзбек либослари ҳам миллий-эт-нографик, ҳам янгилик мода йўна-лишлари мужассам этилгани билан кўзга яққол ташланади. Айнан шу-нинг учун бўлса керак Фарбий Ев-ропанинг таниқли кутюрерлари Жон Галиано ва Ральфо Лоранлар ўз ижодларида ўзбек «абр»идан фой-даланишлари ва бу матодан тикил-ган устки кийимлар кўпчиликка маъқул бўлгани конференцияда таъ-кидлаб ўтилди. Шу билан бирга «Хамса — 2000»нинг ҳайрат аъзола-ридан бири, франциялик таниқли тарихчи, теумурийшунос олим, «Са-марқанднинг мовий тиллоси» кито-бининг муаллифи Фредерик Брес-сан хонимнинг сўзларига қараган-да, французларни ажойиб-ғаройиб нарсалар билан ҳайратга солиш ун-чалик осон эмас экан, хусусан мо-дада ҳам. Чунки бу ерда футуризм оқими авж олган ва мода жуда ил-горлаб кетган. «Шундай бўлса-да, — деди Брессан хоним, — Ўрта Осиё-нинг барча матоларини хўш кўра-ман ва улардан хилма-хил йўналиш-да либослар ижод қилиб, кийишни ҳам ўзинга эп биламан».

Фестивалнинг номига келсак,

унинг «Хамса» деб аталиши бежиз эмас. Барчага маълумки, «Хамса» сўзининг замирида чуқур маъно ёта-ди. Унда биз нафақат бешликни, бал-ки улуг аллома Алишер Навоийнинг бешта машҳур асаридан иборат тўпламини ҳам назарда тутамиз. «Хам-са» авваломбор Фарҳоду Ширин, Лайлино Мажнун, Бахрому Дилор-ларнинг садоқатли муҳаббати, қола-верса сўнмас ва туганмас мавзу — севиғи ҳақида қомус ҳисобланади. Шу билан бирга «Хамса»да Осиё халқ-ларининг ўрта асрдаги сиёсий, иқти-содий, ижтимоий ҳаётдан кўриниш-лар берилган ҳамда бизнинг бугунги кунимизда долзарб ҳисобланган маъ-навий-ахлоқий тарбияга онд иймон, эътиқод, бағрикенглик, саховат каби қадриятларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ташкилотчилар айнан «Хамса»нинг шу жиҳатларини усту-вор қўйиб тўрт кун давом этдирган ушбу фестивалнинг мазмунли ва юк-сак даражада ўтиши ҳамда қизиқар-ли бўлишига ҳаракат қилганлар.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Матбуот хизмати ходими.

Ливанда ўтказила-ётган ас-риимизнинг сўнги ну-фузали мусобақаси Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоасининг ишти-рок этгани туфайли маълум мuddатга кечиктирилган

олий лига ўйинлари яна старт олди.

КЕЧА

бўлиб ўтган XXXIII тур мусобақалари пойтахтимиз шарофити ҳимоя қилаётган жамоалар учун омадли кеч-ди. Яъни сеvimли «Пахта-кор» сафарда «Металлург»

гафшон» 1:0, «Бухоро» — «Самарқанд-Динамо» 2:1, «Андижон» — «Темирйўл-чи» 6:2, «Нефчи» — «На-вабор» 4:1, «Сурхон» — «Кимёгар» 1:5, «Насаф» — «Дўстлик» 3:2, «Турон» — «Гулистон» 2:1, «Хоразм» — «Сўғдиёна» 4:0.

Ақбар Йўлдошев.

газетасига 2001 йил учун обуна давом этмоқда!

Шаҳримиздаги барча алоқа бўлимларида «Оқшом»га обуна қабул қилинмоқда.

Вақтни ганимат билиб газетага обунани ўз вақтида расмийлаштириб қўйсангиз 2001 йилдан, XXI асрнинг биринчи кунинда бешлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб бороверади. Нашр кўрсаткичларимиз шундай:

Якка обуначилар учун — 209  
Ташкилотлар учун — 563

**Мустақиллик миллатимизга, халқимизга кимдир томонидан ҳаёт тилдан неъмат эмас. Уни халқимиз ўз эркесвар фарзандларининг қони эвазига қўлга киритганини янада яхшироқ тушунириб беришимиз даркор. Истиқлол, шубҳасиз, буюк неъмат. Унга барчамиз муносиб бўлишимиз ва уни кўз қорачиқидек асрашимиз, ҳимоя қилишимиз керак.**

Ислом КАРИМОВ

Ха, мустақиллик Аллох ато этган энг олий неъматдир. Уни қадрлаш, кўз қорачиқидек асраш ҳар биримизнинг бурчимиз. Ватан ҳаммамизнинг каттақон уйимиз бўлиб, у ҳар биримиз хонадонимизнинг қўшилишидан ташкил топади. Шунинг учун ҳам «Юртбошимиз ҳаммамизга: «Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик!» дея мурожаат қилиб, айна пайтда барчамизни огоҳликка қорладилар.

Аслини олганда, агар тинчликимиз, осойиштагимизни, олга қараб қилаётган ҳаракатимиз муваффақиятимизни кўролмаётганлар, тўзингни еб, тузугиница туғурадиганларга нисбатан оғох бўлсак, ҳар биримиз ўз уйимизни ўзимиз асрай билсак, мустақиллигимиз, Ватанимиз дахлсизлигини ҳам сақлаб қоламиз. Огоҳликка даъватлар тез-тез янграб турганига ажабланмасамиз ҳам бўлади. Зеро, сайёрамизнинг турли қишлоқларида, қўшни давлатларда террорчилар ва экстремистларнинг қабиҳ кўпурувчилик ҳаракатларидан ўнлаб, юзлаб бегуноҳ кишилар азият чекмоқдалар, бевақт ҳаётдан кўз юммоқдалар.

Узоққа бормай, ўз мамлакатимиздаги ўтган йилги 16 февраль воқеалари, шу йил ўз ойларида Ватанимиз жанубий сарҳадлари ва Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани тоғлик ҳудудидида рўй берган воқеаларни эслаш ўринли. Мамлакат раҳбарияти, Куролли қўларимиз, маҳаллий ҳўшўроликлар, Ватанимиз тўпроғига қабиҳ ният билан кириб келган ёвузларга нисбатан яқдил ва қақшатқич зарба берилгани туфайли Истиқлолимиз душманлари яқсон қилинди.

Аммо бу билан ҳавф-хатардан бутунлай ҳалос бўлиб қолдикми? Албатта, йўқ! Чунки халқимиз, мамлакатимиз эришяётган галабалар, ҳаётимиз кўндал-кўнга яқшиланиб бораётганини кўра олмайдиган галамислар бор экан, хамиша ҳўшўр бўлишимизга тўғри келади. Республикаимиз Президентининг доимий огоҳлантиришлари, даъватларига жавобан ҳамма ерда бўлганидек пойтахтимиз Тошкентда ҳам бу борада изчил таъсирчан иш олиб боришмоқда.

Ҳозирда қорхона ва муассасалар, қурилиш ташкилотлари, хизмат кўрсатиш тармоқларида бепарволик, лоқайдлик ва масъулиятсизликка чек қўйилиб, те-

гишли тартиб ўрнатилган. Турар жойларда, айниқса маҳаллаларда ҳўшўр турган 4 мингдан ортиқ посбонлар ўз ҳўдуқларида тинчлик, осойишталик ва тартибни қатъий назорат қилмоқдалар. Маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари, жамоатчи қўлар ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ҳар қачонгидан кўчайтириб, уларни ёт ёғлар таъсиридан асраб қолишга бор кўч-имкониятларини ишга солишмоқда.

Бугунги давра суҳбатимизда террорчилик ва диний экстремизмга қарши курашда аҳолининг муҳим қатлами бўлган аёллар, айниқса, ёш қиз-келиндарлар ўртасида олиб борилиши лозим бўлган тарғибот-тушунириш ишларининг аҳамияти ҳақида тўхталишни лозим топдик. Зеро, хотин-қизлар жамиятимизнинг тенг ҳўқуқли аъзолари бўлиши билан бирга ҳар бир оиланинг устуни, равшан чироғи, фойизи сифатида уларнинг барқарорлиги, бинобарин жамиятимиз барқарорлигининг ҳам ишончли қарантидирлар.

Усиб келаятган ёш авлоднинг қомил инсонлар қилиб тарбиялашда айнан шу аёлларимизнинг ўрни ва аҳамиятлари беқийсдир. Уларнинг меҳр, муҳаббат тўла гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари, фарзандлар истиқбол ҳақидаги тинимсиз қайгулари йигит ва қизларимизга, ўсмирлар ва болаларга бебаҳо таъсир кўрсатади, уларнинг қалбларидан чўқур жой олади. Шунинг учун ҳам аҳолининг айнан шу табақасига аёлларни кўчайтириш, аёлларимиз онгунда давлатимиз сийсати, миллий маънавий қадриятларимиз, Истиқлол гоъларининг муҳимаси бўлишидан жамиятимиз манфаатдор.

Давра суҳбатимиз иштирокчилари — Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси **Фарида Абдурахимова**, пиру бадавлат муҳтарам онаҳон **Турсуной Исқандарова**, Вазирлар Маҳкамаси ҳўзуридаги диний ишлар қўмитаси диний ташкилотлар билан ишлаш бўлимининг бошлиғи **Мухаммадбўр Йўлдошев**лар билан мулоқотимиз ана шу долзарб масалаларга бағишланди.

**Абдуманнон ўзи учун қалдон бўлиб қолган автобус саройига етиб келган заҳоти ишга киришди. Унинг ҳар қўни олат бўлиб қолган биринчи ўзини ўзига бириктирилган автобусни обдон кўздан кечирди бўлади. Унинг тозаланиб ва соғлиқланган қўнгли тўлғач эса қабинага ўтирди, яқши қайфият билан йўлга — йўловчилар ҳўзурига отланди. У йўл варақаларини расмийлаштириб дарвозадан чиққанида ҳали тонг ёришмаган бўлади...**

**Ншондорларимиз**

Лекин Абдуманнон Абдушукровнинг эрта тонгдан дили равшан, гайта ўзгача бўлади. Негаки у барча бекатларда уни интиқлик билан кўтаётган одамларни, турли касб эгаларини ўқимаган бўлади. Шунинг учун ҳам у ҳар доим ўзи бошқараётган «Мерседес-Бенц» автобусини моҳирлик билан бошқариб, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қилади.

Абдуманнон Абдушукров 30 йилдирки пойтахтимиздаги 2-автобус саройида меҳнат қилиб келади. Ўтган йиллар ҳайдовчи ўзини ўқиниб, ўсиш ва улғайиш, ўз касбига муҳаббат билан муваффақиятга интилиш йиллари бўлди, десак муволажа бўлмайди. 30-автобус йўналишида ишлаб тажриба тўлган ҳайдовчи меҳнатсеварлиги, ўз ишига сўқидилдан муносабати, жамоадолларига ҳурмати

**ОДАМЛАР ХИЗМАТИДА**

учун ҳам ҳамкасбларининг эътиборини қўзонди. Шаҳримизда «Икарус» автобуслари пайдо бўлганида бу русумли транспорт воситасини бошқариш сарой раҳбарияти томонидан Абдуманнонга топширилди. Энди у 28-автобус йўналишида фаолият кўрсатиб, йўловчилар узогини яқин қилди. Талабалар шаҳарчасидан пойтахтимиз марказий ҳўдуқларига қатнайдиغان йўловчилар унга яқин кишилар бўлиб қолди.

Бугунги кўнда эса моҳир ҳайдовчи 60-автобус йўналишида ўзининг ишчанлиги, тажрибаси билан йўловчилар ҳурматига сазовор бўлмоқда. Юнусов 17-мавзеси — Шимолий темир йўл вокзали оралиғида катновчи ушбу йўналишда Абдуманнон Абдушукров сардорлик қилмоқда. У замин меҳнат интизомни, мулкка муносабати, йўловчиларга ҳўшўмоласи, ҳамкасблари билан ҳамжиҳатлиги боис ҳам ҳўрмат-эътибор топмоқда.

Мустақиллигимизнинг 9 йиллик байрами муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра юксак муқофотга сазовор бўлганлар орасида А.Абдушукровнинг ҳам борлиги автосарой аҳлини мамнун этди. Тажрибали ҳайдовчи «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирланди.

— Мен шу нарсага амин бўлдимки, — дейди муқофот соҳибни фахр билан, — касбининг ардоқласанг, астойдил меҳнат қилсанг ҳеч қачон кам бўлмас экансан. Бунинг ўзимнинг ҳаётимда ёрқин кўриб турибман. Ҳайдовчилик — масъулиятли касб. Бу касб эгаси ана шуни қўқур англаб ишлаши керак. Ҳозирда мен меҳнат қилаётган 60-йўналишга 8 та автобус бириктирилган. Барча ҳайдовчиларимиз жадвал бўйича муваффақият билан ҳаракатда бўлиб, жами 17 та бекатни ўртача 40 дақиқада бекатар босиб ўтишмоқда. Шунинг айтишим лозимки, бу йўналишдаги ҳайдовчи ҳамкасбларимизнинг барчаси техникани мукамал билишди, ўз касбининг усталири. Ана шу боис ҳам бир кўнда 20-22 та рейсда юзлаб йўловчиларга намунали хизмат кўрсатмоқдамиз. Уларнинг манзилларига бекатар ва ўз вақтида етиб боришини таъминлаш бизнинг асосий максдимиждир.

Юксак муқофот ҳайдовчилар сардорини янада кўтаринки руҳда ишлашга, яқни муваффақиятларга ундамоқда. Зеро, дўнда одамлар хизматини қилиб, миннатдорчилик эшитишдан ортиқ бахт борми? Абдуманнон Абдушукров бундай миннатдорчилик сўзларини ҳар қўни, ҳар соатда эшитди.

Акбар АЛИЕВ.

**АЁЛЛАР — ОИЛА УСТУНЛАРИ**

**Ф. Абдурахимова** — Ҳеч муволажасиз аёлларимизни оиланинг таъини, энг муҳими — бош тарбиячиси дейиш мумкин. Бунда биз уларни эрлари — отадан улўғ қўймоқчи эмасмиз. Лекин фарзанд тарбияси асосан оналарга боғлиқлиги сир эмас. Эр — ота кўпинча тирикчилик ташвишида кўчада, яқни оиладан ташқарида бўлади. Кўн бўйи бола она кўз ўнгиди бўлади. Умуман, она меҳри ҳам фарзандларни кўпроқ аёлларга боғлаб қўяди — мурғак қалблар ана шу меҳрдан сув ичиб, унинг доимий таъсири остида инсон бўлиб шаклланди.

**Т. Исқандарова** — Жуда тўғри айтасиз. Биз аёллар ҳамиша фақат болаларимиз ҳақида ўйлаймиз, уларнинг қамолини тезроқ кўриш оразиси билан яшаймиз — Худо бизни шундай қилиб яратган. Шунинг учун ҳам аёллар ҳатто ишлашга ҳам бола-чақа, қозон-товоқни, рўзгор ишлари орасида фарзанд тарбиясини ҳам эплашди. Оилада бош мураббий, тарбиячи отанинг ҳам ҳўрматыни кўп жиҳатдан оналар белгилайди.

Масалан, «Ҳай болам, бу ишни қилмагин, даданг ҳафа бўлади!» — «Дадангнинг гаплари ёдингдан кўтарилдим — нима қилсанг ўзи!», «Манави ишни қилиб қўйсанг ёки дарсларингни тайёрлаб қўйсанг — даданг хурсанд бўлади!» каби танбеҳ ва маслаҳатлар, ўрни келса мақташлар болани тарбиялайди. Боланинг кўз ўнгиди ота салобатли, жиддий, талабчан мураббий сифатида намоён бўладики, бу ҳамиша отадан хайқиш, унинг ҳўрматыни жойига қўйишга интилишини шакллантиради.

**М. Йўлдошев** — Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм, Исломда оналарнинг, аёлларнинг улўғлиниги ҳам сабаб шу. Улар меҳрлари, юшоқ муомалалари, ғамхўрликлари билан болаларга эзгулик туйғуларини ривожлантиришди, атрафдагиларга бепарқ қарамасликка ўртади, энг олижаноб фазилатлар эгаси бўлишимизга сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз Мухаммад мустафо саллоллоху алайҳи вассалам «Жаннат — оналарнинг оёқлари остида» деб марҳамат қилганлар...

**Ф. Абдурахимова** — Буларни таъқидлашимиздан мақсад — жамиятимизнинг юксак маънавий тараққиётини таъминлаш, ёш авлоднинг чин инсоний фазилатлар эгаси, ватанпарвар, халқпарвар, меҳнатқаш, қомил инсон қилиб тарбиялашда хотин-қизларнинг роли ва ўрнини алоҳида кўрсатиб ўтишдир. Айна пайтда истиқболни ўйлайдиган бўлсак, айнан ана шу аёллар ўртасида маънавиятимиз тарғиботини, ахлоқ-одоб, Ватанга муҳаббат, Истиқлол неъматларини қадрлашни шакллантиришни долзарб вазифа қилиб қўйишимиз керак.

Аёлларимизни ҳам ёт ёғлар — террорчилик ва экстремизм таъсиридан асрашимиз керак, уларнинг ижтимоий фаолигини оширишимиз, маърифатли ва юксак маданиятли бўлишлари учун барча шароитларни муҳайё қилишимиз керак.

Шу маънода аввало ҳўкуматимиз, қолларси пойтахт ҳўкимияти салмоқли ишларни амалга оширяпти. Айниқса, «Соғлом авлод» давлат дастури асосида изчил ва таъсирчан иш олиб бораётишди. Масалан, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси аёллар орасида 9 йўналишда тарғибот-тушунириш, ташкилий ва амалий ишларни олиб боради. Булар аввало оналик ва болалиқни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг манфаатларини таъминлаш, соғлом эътиқод гоъларини тарғиб этиш, ҳўқуқий саводхонликни ошириш, ажрилар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳўқазолар.

Чўночи, болалиқ аёлларнинг нафақалари, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ишлашни ҳўловчиларни иш билан таъминлаш ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш ҳаммамизнинг диққат марказида. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида 800 аёл ишга жойлаштирилди. Пойтахтда тадбиркорлик билан шуғуланаятган 1,5 мингдан ортиқ аёл аниқланиб, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш чоралари қўрилмоқда.

Мирзо Улўғбек туманида шаҳар хотин-қизлари учун адаптация маркази ташкил этилди. Марказнинг асосий вазифаси уйда ўтирадиган ёки мураккаб аҳолига тўшиб қолган аёлларга ёрдам бериш, уларни меҳнатга, жамоат ишларига тортиш, ижтимоий, маънавий, моддий ва руҳий кўмак беришдан иборат.

Масалан, аёл оғир вазиятга тушиб қолди, дейлик: ота-онасиникига борса — қудда-данчиликка совоқчилик тушиши мумкин, маҳаллага чиқса — гап-сўз кўпаяди. Шундай аёллар марказга мурожаат қилишлари керак. Аввало, бу ерда мурожаат қилувчиларга тиббий ёрдам кўрсатилади — терапевт ва руҳшўнослар зарур муолажа ва тавсияларни беришади. Юрист ҳўқуқий масалаларда кўмаклашади.

Муҳими, адаптация (аниқроғи ижтимоий ҳимоя) маркази хотин-қизларнинг

ижтимоий маъқеини кўтарувчи омилга алоҳида эътибор беради. Яқни иш билан шуғуланмоқчи бўлганларга касби бўйича иш топиб беришга кўмаклашади. Касби йўқ аёлларга эса 8 хил касб-ҳўнар — сартарошлик, зардўзлик, бичиш-тиқиш, ҳисобчилик ва ҳўқазо касблар ўргатади. Шу ернинг ўзида тикувчилик ҳещи, хизмат кўрсатиш бўйича иш жойлари ташкил этилади. Бу ерда ишонч телефони ҳам ўрнатилади.

Шунингдек, соғлом авлоднинг тарбиялаш бўйича келин-куёвларнинг тўйдан ол-

тин-қизлар ўртасида тарбиявий ишлар олиб боришдан иборат. Ахлоқ-одобни ўргатишга, ҳалол меҳнат билан кўн кўриш, катталарга ҳўрмат, кичикларга меҳрибонликни сингдиришга ҳаракат қиламиз.

Мени ташвишлантирадиган бир нарса бор. У ҳам бўлса қизларимизнинг кийиниши — кийиниш одоби. Кўпгина қизларимиз атласдан, шобни матолардан қиройли миллий кийимлар тикиб кийиб юришади — бирам ярашадими, кўриб кўзингиз қувонади. Лекин баъзи қизлар

**Огоҳликка даъват**



**ЎЗ УЙИМИЗНИ ЎЗИМИЗ АСРАЙЛИК!**

«Тошкент оқшомини» давра суҳбати қатнашчилари



• Турсуной ая Исқандарова • Фарида Абдурахимова • Мухаммадбўр Йўлдошев • Шоҳида Пўлатова

дин тиббий қўриқдан ўтишини (албатта тушунириш ва ихтиёрийлик асосида) ташкил қилганмиз. Яқни келин-куёвлар беш йил мобайнида тиббиёт ҳодимлари назоратида бўлади. Аёллар ижтимоий ҳимояси бўйича бошқа кўпгина тадбирлар ҳам изчил ва доимийлик асосида ўтказиб келиняпти.

Албатта, бундай кенг кўламли тадбирлар билан бир қаторда хотин-қизларнинг ижтимоий фаолигини оширишга қаратилган оммавий ишларга ҳам эътибор берилади. Масалан, барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда қизлар клублари ишлаб турибди. Маҳаллаларда ҳўкимият, жамоат ташкилотлари вакиллари, мутахассислар, тиббиёт ҳодимлари иштирокида аёллар билан учрашувлар одатий тусга кириб қолди. Бу учрашувларда ҳар бир аёлнинг ўй-хаёллари, ташвишу қувончлари ҳақида гаплашишга, муҳтожларга амалий ёрдам беришга ҳаракат қилинади.

**СИРДОШ, МАСЛАҲАТЧИ**

**Т. Исқандарова** — Бизнинг Чўнота маҳаллаимизни оладиган бўлсак, хотин-қизлар қўмитаси фаол ишлаяпти. Унга кўп йиллар ўзим раҳбарлик қилиб келгандим. Энди ўрнини ёшларга бўшатиб бердим, лекин кенгаш ишида барибир фаол қатнашиб келаяман. Биз айнақса ёш оилаларни мустаҳкамлашга эътибор берамиз (ахир улар ўртасида ажралишлар энг кўп қайд этилиши сир эмас-ку).

Менинг ўзимнинг ўз келиним бор. Уларни қизларимдай кўраман — жеркиб, уришмаганман.

Нари-бери гаплар баъзан келимининг ота-онасиникига боришдан келиб чиқди. Баъзи қайноналар ойнаб келинларга руҳсат беришмайди. Ҳақиқатан ота-онани тез-тез бориб кўриш фарзанднинг бурчи — унга монелик қилиш яқши эмас. Ҳозирги бозор шароитларидан келиб чиқиб, уйда ўтирган келинларни ишга жойлаштиришга ҳам доимий ҳаракат қиламиз. Кўп ёшларни ўзим ҳам турли ишларга жойлаганман. Яна бир ишимиз хо-

ларим яланғоч, беҳаё кийимларда юришади. Яна баъзилари эса бутунлай ҳижобга ўралиб олиб, фақат кўзларинигина йилларга кўриниб туради. Уларнинг ҳар қилаласи ҳам мезбонни, кийиниш одоби, умуман, одобни билишмайди.

Дарвоқе, ана дин ишлари қўмитасидан укамиз ўтирибдилар. Айтинчи, Мухаммадбўр, динимизда шундай ҳижоб, ҳақиқда қандай фикрлар бор?

**КИЙИНИШ ОДОБИ**

**М. Йўлдошев** — Ҳақиқатан ҳам долзарб масалалардан бирини кўтардингиз. Ҳижоб, аввало, иклими гоът иссиқ йилларда бир ороли сахарлариди ашовчиларнинг миллий либосларидир. Бизнинг қизларимиз ўша атлас, бекасам, шохидан тикилган миллий кийимларимизни кийишга ҳам ўзларига ярашади, ҳам ортиқча гап-сўзлардан холи бўлишади.

Ҳижобга келсак, пайғамбаримиз қайнисини билган Асмо разияллоху анҳо (у ҳўт жуда ўралиб олган бўлсалар керак)га юз ва кўзларини очиб юришини тавсия этган эканлар. Бинобарин, шариятимизда ҳаддан ташқари ўраниб ўри, деган гаплар йўқ. Пайғамбаримиз машҳур ҳадисларида: «Парвардигори олам сизларнинг кийинишига эътибор бермайди, бойлигинизга ҳам, мансабингизга ҳам эътибор қилмайди. Яратган сизнинг қалбингизга, ниятигизга, қилган амалларингизга эътибор беради», — деб марҳамат қилганлар.

Демак, ўраниб юриш, соқолни ўстириб юбориш динимизда йўқ. Кишининг

сув ичишни баҳона қилиб хонадонларга кириб, уйдаги бор нарсаларни билиб кетиб, кечаси ўғрилиқлар содир бўлган ҳўлардан бири. Шундай ҳўжбога ўранган келардан бунга намоз ўқиш баҳонасида бир хонадонга кириб, қампир намозини битиргунча, уйдаги бор нарсаларни кўтариб, гоъйиб бўлган экан.

Яқинда республика прокуратурасининг айбномаси матбуотда эълон қилинди. Унда 16 февраль воқеаларининг келиб чиқиши ва содир бўлишида экстремист террорчиларнинг жинойи кирдикорлари батафсил очиб берилган. Бу ҳўжатдан биз диний ақидаларастлик, террорчилик туғдирадиган ҳавф-хатарнинг гўт жиддийлигини яқшилаб тушуниб оламиз. Шунинг учун ҳам унинг мазмун-муҳиятини шаҳримиз аҳолисига, шу жумладан, барча аёлларимизга атрафила етказишимиз керак. Шунда улар ўз фарзандларини қалтис ва фожиали йўллардан эҳтиёт қилишга астойдил қиришадилар.

Кийиниш ҳақида гап кетди. Мақтаблар, институтларда қизларга рўмол урашга руҳсат этиш муаммоси бор. Қизларга ўқурчак кичик рўмол ураб ўтиришга руҳсат этилган. Лекин рўмолни фақат кўзларини очиб қолдириб ўраш тўғри эмас. Шу ерда бир мулоҳазани ўртага ташламоқчиман: мактабларда ўқувчиларга бир хил кийим форма кийдириш масаласи.

Туркида ҳар бир мактабнинг ўз формаси бор. Кўчада кетаётган ўқувчининг кийинишдан қайси мактаб ўқувчиси эканини билиб олиш мумкин. Бизда ҳам мактаб педагоглари, ота-оналар қўмитаси, мураббийлик кенгаши ўзари бир тўхтама қилиб бир хил формани тавсия этиш-

**Давра суҳбати давомида кўтарилган юқоридаги долзарб масалаларда хотин-қизларнинг жамиятимиздаги ўрни ва ролига аҳамият берилиши кераклигини ана бир бор таъкидланди. Жамиятимизда аёлларга бўлган ҳўрмат, эътибор ўсиб бормоқда. Чунки унинг инсонпарварлиги энг аввало оналаримизга, онасиниларимизга, эажжи қизалоқларимизга бўлган ғамхўрлик, меҳрибонлик мезонлари билан ўзганади. Аёллар — оила устуни дейишади. Шунингдек, аёллар жамиятимизнинг ҳам таянчи, чироғи ва фойдасидир. Аёл мамнун экан — юрт қамол топади, Ватан гуллаб-яшнади, тараққиётимиз янада жадал юксалади. Биз жамиятда, оилада ҳар қўни ишимизда хотин-қизларимизнинг қатъилик маънавиятини, маърифатини, ҳўшўрлигини оширсак, демакки натижада ўз уйимизни, оиламизни, маҳалламизни, шаҳримизни, юртимизни шунчалик мустаҳкам асраган бўламиз.**

Суҳбатни Санд ВАЛИЙ олиб борди.

# ИСТЕЪДОДНИНГ ЁРҚИН ҚИРРАЛАРИ

Халқимизнинг ардоқли шоири Жуманиёз Жабборов билан танишимизга 30 йилдан ошди. Мен эндигина Тошкент давлат университетини битириб, «Тошкент оқшоми» газетасига ишга келган, Саъдулла Кароматов, Ўткир Хошимов, Максим Каримов, Тўлқин Расулєв сингари меҳрибон мураббийлар билан ёнма-ён ишлаш бахтига муассар бўлган эдим. Хозирги «Ўзбекистон овози» (илгирги «Совет Ўзбекистони») газетасида эса адабий ва санъат бўлиминини Жуманиёз ака бошқарди. У аллақачон истеъдодли шоир сифатида танилган, Фахруллоҳ Шайхзода, Ойбек, Миртемир каби устозлар билан ҳамсухбат бўлиб, уларнинг сабоғини олган эди. Шерьярғат ҳавасим туйғайли тез-тез у киши билан учрашар, керакли йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар олар эрдим. 1980 йили ilk шерый китобим нашр этилганда устоз самимий дил сўзларини ёзиб, оқ йўл тиллар эдилар.

Ораддан ўтган йиллар Жуманиёз ака учун чинакам камолот пиллапоғлари бўлди. Ўттизга яқин шерый, насрий ва драматик асарлар тўпламларини нашр эттирди. «Ужарлар», «Тўйдан олдин томоша», «Йиллар ўтиб...», «Чўл чакмоғи», «Менинг оппоқ кабутарларим», «Ал-Фарғоний» каби сахна асарлари республикамиз театрларида ва кўшни республикаларда муваффақият билан намойиш этилди. Шерьярғатга ёзилган ўнлаб кўрашлар таниқли санъаткорлар томонидан ижро этиб келинмоқда. Унинг Ж. Г. Байрон, М. Лермонтов, Т. Шевченко, Р. Тагор, Абдулқосим Фирдавсий, Хофиз Шерозий, Ўбайд Зоконий каби жаҳон мумтоз адабиёти вакиллари ижодиётидан қилган таржималари ҳам китобхоналарга яқин таниш.

Эзулик йўлида қилинган меҳнат ҳеч қачон бесама қетмайди. Жуманиёз Жабборов ҳам атоқли шоир, драматург ва таржимон си-

фатида эл-юрт ҳурматино қозонди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири унвонларига сазовор бўлди. Турли масъул лавозимларда ишлади. Аммо бир жиҳати сира-сира ўзгармади — ҳамон ўшандай самимий, камтар, ёру дўстга меҳрли.

Бугун Жуманиёз Жабборов катта хонадон соҳиб. Унинг олти фарзанди, 18 набираси бор. Фарзандлари масъул лавозимларда ишлашади — раҳбар, олим, дипломат, муҳандис... Улар учун оталар ҳаёти элу қорғат садоқатининг ёрқин намунаси.

Устоз шоир ўзининг 70 ёшини қаршиламोकда. Аммо ҳамон қизгин меҳнат ва ижодий иш билан банд. 1990 йилдан буйун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Давлат мукофотлари қўмитасида масъул котиб вазифасида ишлаб келмоқда. Тинчимас қаламидан тугилган янги туркум шерьярлар, дилрабо газаллар, ёқимли қўшиқлар ўз муҳлисларини томоқда.

Саъдий Шерозийнинг бир хикматли гапи бор. Агар инсон 90 йил умр кўрсун, унинг ўттиз йиллини ўқш-ўғанишга, яна ўттиз йиллини сайру сафарга, қолган ўттиз йилни тўплаган билим ва тажрибасини ёшларга ўргатишга сарфлаш керак, деб ёзган донишманд адиб. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, Жуманиёз ака олдинги икки босқичдан муваффақиятли ўтган. Аммо мураббийлик қарзини узиши учун яна камиди 20 йил устозлик қилиши лозим. Куч-гайратга тўла шоир бу вазифани ҳам шараф билан удалашига шак-шубҳа йўқ.

Кўплаб муҳлислари ва шоғирдлари қатори биз ҳам устозга «Хорманг, Жуманиёз ака!» деймиш.

Носир МУХАММАД.



Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ўзбекистон халқ шоири

## БИР УМРЛИК ҚАРЗ

Юз кўрсат, томоққа қалқиб келган сўз,  
Юз кўрсат томирда сирқираган дард,  
Шерьярғат кириб кел асар бўлсанг дўст,  
Қалбимни ошкор эт асар бўлсанг мард.

Эй само, эй юлдуз, эй ою қуёш,  
Кўз очиб кўрсангиз зарафшон борлиқ,  
Тугилсан чоғимдан сиз менга йўлош,  
Менинг мавжудлигим сиз билан боғлиқ.

Менинг дийримдир шу дилбар замин,  
Яйрадим мен унинг оғушларида.  
Англадим ҳаётнинг муқаддас таъмини  
Бахтининг зарра-зарра ёғинларида.

Шерьярғат, дардиман, овоз нафасим,  
Севдию севинчим — бахт ибтидоим,  
Орзуман, созимсан, армон, ҳавасим,  
Фидойи қалбимнинг эркин индосим.

Момон эртақлари қулоқда ҳамон,  
Юлдузли тунларда чеккан оҳим ҳам.  
Узинг елка тутдинг юрсанг эрк томон,  
Қаршимда уфқлар очоғин муҳташам.

Билурман, энг янграқ сўзлар ҳам ҳатто  
Курқ сафсатага айланур бир вақт,  
Агар унга жонинг этмасанг ато,  
Умрингни тикмасанг мақсад учун нақд.

## АГАР БОҒ ИЧРА ҚИРСАНГ

Агар боғ ичра қирсанг, бошланур гулларда яйрашлар,  
Яна рангларида мавж урмақ, яна қушларда сайрашлар.

Қаҳду қалбинг томошини соғинмиш, йўқса қайданур,  
Нихола нозлишлар, чашмаларида сирли қайнашлар.

Сочинг сийлаб эсар шабодолар шўшу таманалиқ,  
Бу хушбўйиш кутар дунё — Хито, Ҳинду Мароқашлар...

Аё, эй офтоб, одамга олтин шўғаллар сочсан,  
Низорим йўлида бўлсан нисоринг эрка оташлар.

Гоҳо суварлар роз айтиб, гоҳо гулларга юз бурсанг,  
Бу боғ ичра тушар ҳар лаҳза-лаҳза неча кенгашлар.

Бағрида бир маскан мавжуддир, ўлкам,  
Маънадай жаранлар айтганда оти,  
Бирдан баланд эмас ёки бирдан кам,  
Мен учун муқаддас дароҳ — Пулати!

Ҳар нечук ҳаёлу ҳар нечук байтиш  
Шу азиз элмидан олинган бир дарс.  
Мен унинг бағрида илк йиллик пайтиш  
Сўз мавноси чакдим. Бу — умрлик қарз.

Илк сўзим, илк севгим тугилган замин,  
Шу қарзим туташга тиксанман жоним.  
Сен менга тутқаздинг ижод қаламин,  
Кўзимга кенг очдинг ёруғ жаҳоним.

## УСЎПОДЛАР

Умр — сабоқ тўла чексиз бир тарих,  
Узингиз сезмасдан туриб, ажасбо,  
Даврни эдингиз тахллу таъриф,  
Виждонингиз амрини этиб жожабо.

Камтар санъатингиз ўтади бурчин,  
Узингиз сезмасдан туриб, ажасбо,  
Узингиз сезмасдан, келажак учун  
Холис бир устодлар бўлиб қолдингиз.

«Бир харф ўқитганга юз ганж берсанг оз»,  
Жаҳоний бир ҳикмат айтайдур устоз.  
Бошинг осмонларга етсанг чоғда ҳам  
Ҳар лаҳза устодни этабили эъзоз.

Шухрат қанотида умаркан шоғир,  
Хоҳ олим, хоҳ ботир, хоҳ бўлсан шоир,  
Устоз хузурида шаксиз эгур бош,  
Ҳатто Пайғамбарга бўлса-да шотир.

Товуслар нар ёзар ҳайрон, нигоҳи эркалар жайрон,  
Асар, боғи этиб сайрон, гўла ёрим қадим ташлар.

Гўзаллик не эгур, гар кўрмақ истарсиз, келиш бунда  
Жаҳонда ном қозongan поэзия тапқо паривашлар.

Нечук ўйнаб бўлиб қолдинг, дилором, боисин айтиш,  
Нечук ноҳуш ҳаёлотким, дилингни бул замон гашилар?

Бу таъриф қўхна деб ёхуд менга дашном этурсанми,  
Ки бундан ортинги ҳарсиз топилмас ишқда сарқашлар.

Тиларман, таширфингиз қанда этна ҳар наҳор, жоним,  
Агар боғ ичра қирсанг, бошланур кўнглимда яйрашлар.



## БОШҚОТИРМА

Белгиланган хонадан ракам атрофига соат мили йўналишида: 1. «Девону лугатит турк» нодир асари билан тилшунослик тарихида ўчмас из қолдирган Марказий осиелик ўрта асрнинг буюқ арбоби. 2. Пешонага тақилдиган қимматбаҳо безак буюм. 3. Механиканинг жисмлар ҳаракати ва куч билан ҳаракат ўртасидаги боғланишини ўргатувчи бўлими. 4. Марказий Осиеда XVI асрда юзага келган тарихат асосчиси, халқимиз «Баҳовуддин — балоғардон!» дея беҳад эъзозлаган ҳазрат. 5. Тўқ кўк тусли безак буюмлари учун ишлатилдиган маъдан. 6. Ўн китобдан иборат табобатга оид «Заҳраиёе Хоразмишохий» асарини ёзиб қолдирган ўрта асрнинг улуг олими, замонасининг машҳур табиби. 7. Алишер Навоий «Ҳамса»сидаги адолатли халқларвар ҳукмдор. 8. Ўзбек устоз хонандаси, театр санъаткорини, опера устаси. 9. Ипакчилар шахри. 10. Ўзбекистондаги айриқ матбаа корхонаси. 11. Пилладан олиннадиган ашё. 12. Кишининг жамиятда тутган ўрни. 13. Пичан қирқадиган дастаси асбоб. 14. Ҳамдўстликдаги республика пойтахти. 15. Эстрада гуруҳи. 16. Тонг ёришган пайт. 17. Қизил қимматбаҳо тош. 18. Товланиш, жилва. 19. Кўзишару ҳушбу йўл ҳева. 20. Француз адаби, илмий фантастик асарлар ёзиш асосчиларидан бири. 21. «Широк», «Уттор» қиссаларини ёзиб қолдирган ўзбек ёзувчиси.

Бўш вақтингизда

Белгиланган хонадан ракам атрофига соат мили йўналишида: 1. «Девону лугатит турк» нодир асари билан тилшунослик тарихида ўчмас из қолдирган Марказий осиелик ўрта асрнинг буюқ арбоби. 2. Пешонага тақилдиган қимматбаҳо безак буюм. 3. Механиканинг жисмлар ҳаракати ва куч билан ҳаракат ўртасидаги боғланишини ўргатувчи бўлими. 4. Марказий Осиеда XVI асрда юзага келган тарихат асосчиси, халқимиз «Баҳовуддин — балоғардон!» дея беҳад эъзозлаган ҳазрат. 5. Тўқ кўк тусли безак буюмлари учун ишлатилдиган маъдан. 6. Ўн китобдан иборат табобатга оид «Заҳраиёе Хоразмишохий» асарини ёзиб қолдирган ўрта асрнинг улуг олими, замонасининг машҳур табиби. 7. Алишер Навоий «Ҳамса»сидаги адолатли халқларвар ҳукмдор. 8. Ўзбек устоз хонандаси, театр санъаткорини, опера устаси. 9. Ипакчилар шахри. 10. Ўзбекистондаги айриқ матбаа корхонаси. 11. Пилладан олиннадиган ашё. 12. Кишининг жамиятда тутган ўрни. 13. Пичан қирқадиган дастаси асбоб. 14. Ҳамдўстликдаги республика пойтахти. 15. Эстрада гуруҳи. 16. Тонг ёришган пайт. 17. Қизил қимматбаҳо тош. 18. Товланиш, жилва. 19. Кўзишару ҳушбу йўл ҳева. 20. Француз адаби, илмий фантастик асарлар ёзиш асосчиларидан бири. 21. «Широк», «Уттор» қиссаларини ёзиб қолдирган ўзбек ёзувчиси.

30 октябрь — думаниёз (Ойнинг 3/4 кунин). Шу кеча-кундузда инсоннинг барча ахши фазаиллари намойиш бўлади. У покляниб, янада олижаноброқ, савохатлироқ бўлади. Бу кунни олиш савоҳатлари намойиш этидиган, ҳар қандай муаммоларни ҳал этишга дадил киришилдиган кун дейиш мумкин.

Тананинг аллергия хасталиқларга мойиллиги қуяди, турли хил тери касаллиқлари эруйиши мумкин. Шу кунни аллергиядан эҳтиёт чораси сифатида таомлар тановулига эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак. Бу кун рўза тутиш ҳамда ошқозон ичак йўллари тазолаш учун қулай ҳисобланади. Фавқулодда ҳолатлардан ташқари дориларни имкон қадар истеъмол қилмасликни тавсия этамиш. Ҳар қандай жарроҳлик операцияларини бошқа кунга қўчириб турган маъқул.

Агар тушларингизни тўғри таъбир эта билсангиз, у ўнгидан келиши мумкин.

31 октябрь — сешанба (Ойнинг 4/5 кунин). Инсоннинг салбий ва ижодий ҳислатла-

Муаммонома

Куйдаги очик сўзлар ёрдамида топиладиган шакл атрофидида ракамларда яшнинг икки мисрალი ҳикмат буюк мутафаккир шоир Мир Алишер Навоий меросига мансуб.

Очик сўзлар: 1. Моддалар таркиби, хоссалари ўзгаришлари жаранини ўргатувчи мутахассис — 8, 2, 4, 16, 13, 1, 15.

2. Газламанинг алоҳида, безалган чет қисми — 17, 5, 11, 2, 9.

3. Халқ оғзаки ижодига мансуб ҳикмат — 6, 1, 7, 3.

4. Ўйлаш, фикр юритиш жараёни — 10, 1, 16, 3.

5. Эрка хонанданинг энг паст, йўғон овози — 14, 1, 12.

Тузувчи  
Фозилжон ОРИПОВ.

## ШАБОНАДАН ШАБОНАГАЧА: МУНАЖЖИМ ТАВСИАЛАРИ

### ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН

ри шу кун баравар ўзини намойиш этади. Шунинг учун ўз хати-ҳаракатларингизда жуда эҳтиёткор бўлишни тавсия этамиш. Мулоҳазалар ва Аллоҳга илтижо билан дуолар қилиш учун бу кун қулай ҳисобланади. Одам кўп тўпладиган жойлардан, шоквин, сурони гап-сўзлардан ва янги танишувлардан ҳолироқ бўлишга ҳаракат қилин.

Асаб тизими хасталиқлари, уйқусизлик безовта қилиши мумкин. Кўриш қобилияти сустайи эҳтимоли бор. Бош оғриғини хис этишингиз мумкин. Электроникга мулоқазат салбий таъсир қилиши эҳтимоли. Ҳақмоннинг буғ-хонасига тушиш фойдали.

Тушларингиз сизни адаштириб, бошқа йўлга солиб юбориши мумкин.

1 ноябрь — чоршанба (Ойнинг 5/6 кунин). Шу кеча-кундуздаги Ой сайёрасининг таъсири инсон учун ижодий бўлади. Шу кун турли сирли оламга оид биланларини олишингиз мумкин. Умуман, шу кунни қайбатиингиз бир текис бўлади. Шунга қарамай кунини ҳолироқ ўтказишни тавсия этамиш.

Анча оғир жисмоний ишларни қилишга қодир бўласиз. Қон айланиш тизими ва лимфатик тўғунлар исоқиллашини мумкин. Ичак ҳамда ошқозон ичак йўлларидаги жарроҳлик операциялари самарали бўлиши кутулади. Турли хил нафас олиш машқлари билан шуғулланиш фойдали.

Тушларингиз сохта бўлиб, унинг ёрқинлиги ва ҳақиқатга яқинлиги ишонманг.

2 ноябрь — пайшанба (Ойнинг 6/7 кунин). Ёрқин, яратувчи гайрат-шиқват кун. Ҳар қандай бошланган ишлар муваффақият билан якунланиди. Дуо билан Оллоҳга илтижо қилсангиз, у ижобат бўлиши мумкин. Оғзингиздан чиқадиган сўзларга эҳтиёт бўлинг, чунки айтилган сўзларнинг қўчқинлиги амалга ошиши мумкин. Шамоллаш хасталиқлари, сурруқали томоқ

Сахар вақтида қўрилган тушлар ўнгидан келади.

4 ноябрь — шанба (Ойнинг 8/9 кунин). Шу кеча-кундуздаги Ой сайёрасининг таъсири салбий бўлади. Турли хил хатоликлардан ва саробларга учидан ўзингизни асранг. Шунингдек, гамгин фикрларга берилманг — улар тез ўтиб кетади. Шу кеча-кундузда давомиди кузуга қараш тавсия этилмайди.

Астма хасталиғи билан оғриган беморлар ўзларига эътиборли бўлишлари керак. Овқатдан захарланиш хавфи бор. Спиртли ичимликлардан ўзингизни тийганингни маъқул. Аллергия хасталиқлари хуруж қилади. Нафас йўллари касаллиқлари ҳам қуяиши мумкин. Корин бўлишидаги жарроҳлик операциялари тавсия этилмайди.

Тушларингиз сароб бўлади.

5 ноябрь — якшанба (Ойнинг 9/10 кунин). Мазкур кеча-кундузда Ой сайёрасининг таъсири табиат билан уйғуланиб кетади. Бу — жуда оёсайишта кундир. Музикани баланд қўйиш, салбий эхтиросларни намойиш этиш, қўполлик қилиш ман этилади. Яхшиси кунни энг яқин кишиларингиз билан бирга ўтказинг. Улар билан самимий мулоқотда бўлинг. Шам ёғдуси остида бир қадаҳ яхши вино тановули этишини тавсия қиламиш. Бу — сизга дам олиш, келажак учун куч йиғиш имконини беради.

Умумий ҳолатингиз юк оз бўшашиши мумкин. Юракка ортиқча юк туширманг. Инфаркт, қон босимининг ошиб кетиши эҳтимоли бор. Спиртли ичимликни суйиштемол қилманг. Қулай таъсир этувчи тиббий дориларни истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Ёрқин ва ёқимли тушлар кўрасиз. Улар сизни тинчлантириб, асабий ҳолатларни олади ва ҳатто турли ноҳушлиқлардан сизни халос этади.

## ҲАНДАЛАР

Она ўғлига деди:  
— Жажжиганам, агар яна бир бўлак торт ёсанг, ёрилсан!

Ойижон, сиз менга торт берингда ўзингиз нарироққа бориб туринг.

Доктор:  
— Дори ичинг қийин иш эмас. Пиво ичганим деб фараз қилсану ичиб юборсан.

Бемор:  
— Доктор, ундан кўра пиво ичиб, дори ичим деб фараз қилса яхши эмасми?

Негр елкасига катта, чиройли тўтиқушни қўндирганча барга кирди. Бармон ҳайрат билан сўради:  
— Менга қара, ошна, қаердан олдинг бунин?

Тути:  
— Қаердан, қаердан? Африкадан! Бунақалардан у ерда миллионда.

Саидқабар МАННОНОВ тайёрлади.

Газетанинг 20 октябрь сонидида чиққан бошқотирманинг жавоблари:

Ёй бўйича: 1.Дутор. 2.«Сегоҳ». 3.Тенор. 4.Лапар. 5.Мақом. 6.Прима. 7.Орган. 8.Театр. 9.Терма. 10.«Ватан». 11.Даста. 12.Кону. 13.«Роҳат». 14.Ноҳин. 15.Бўрон. 16.«Бўрон». 17.Кубиз. 18.Камон. 19.Мажор. 20.«Дугоҳ».

Муаммонома

Очик сўзлар: 1.«Лазги». 2.Гиря. 3.Курд. 4.Лайли. 5.Глиэр. 6.Тил. 7.Давра. 8.Қўша. Ҳикмат: Куй ва қўшиқ — эзулик яратди.

• Инсон умри давомидида ўртача 1460 марта туш куради.  
• Бола баҳорда тезроқ ўсади.  
• Чақалоқ туғилганда унда 300 та суюқ бўлади. Улғайганда улар сон 206 тага камади.  
• Мушуклар ва итлар ҳам чапақай бўлarkan.

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

• Дунёда ҳар кун янги туғилган чақалоқдан 12 таси англашилмаслик туйғайли ўғаларга бериб юборилар экан.  
• Жирафа қулогини ярим метр узунликдаги тили билан тазалайди.  
• Беғемот одамдан тез чопайди.  
• Каламуш сувсизликка тўйдан кўра чидамли.

• Буюқ Британиядаги барча оқушлар қиролчининг мулки ҳисобланади.  
• Ер юзидидаги ҳар бир инсонга бир миллиондан чумоли тўғри келади.  
• Ўнг қўли билан ишловчилар чапақайларга нисбатан 9 йил кўп яшайди.  
• Илон улузсиз 3 йил уқлаши мумкин.  
• Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тўплади.

(Давоми. Боши газетанинг 107, 110, 113, 116, 119, 122, 125-сонларида).

Эй йигит билгил ва оғоҳ бўлгил, мен Шом подшоҳининг қизидурман, мендин бўлак фарзанд йўқ эрди. Аллахусус, отам мени бисёр дўст-тўғарида. То мен ўзимни танимай ишрат ва суҳбатни лозим тутиб май, бода ва жом, айш мудом била ҳамиша гулзорлар ва бузуқзодалар ва ақиблар билан Шомнинг барча соҳиб жамоллари ва камоли қобилияти билан менинг хизматимдан хушхол бўлур эрдилар. Муганний қанизақларнинг кўпларини хизматимда сақлаб эрдим. Сўзинг муктасари айш-ишрат асбобларини муҳайё қилиб, кўп олтин сарф айлаб, шароб ва таомларни муҳайё қилиб, кўп ултин сарф билан гофил бўлиб умримни ўтказдим. Қазор, улғ аймлар бўлди, зоҳиран ул ой зулҳижжа ойи бўлғай, ул айёмда шаробини тарқ қилмоқликни лозим тутар эрдим. Аммо фикр қилдим ул кунларни аввалида хуморнинг сабабининг беҳол эрдим, юрагим оғир эрди. Қўл-оёғим титтар эрди ва бул ўтган кунларни кўнларини душманимга ҳам раво қўлмасман, дарвозабон кўнор ичар эрди. Мени холимни ўзгача кўриб арз қилдик, агар малаи кўнор ичсалар тандуруст бўлур эрдилар — деди. Ушбу вақтга кўнорнинг отини эшитманг эрдим, ҳозир қилинлар дедим. Хожа саррой (максус хизматкор) чиқиб олиб келди. Унинг билан бирга 8-9 яшар бир хал бола ҳам келди. Боланинг эғнида жанда, бошида кийиздан қилинган бурқ (қалпоқ), эски иштон қийан, белини чилвер билан боғлаб олган, кўнор кўзаси қўлида эрди. Бу болани искиртлигини кўриб ноҳуш бўлдим. Дарвозабонга бир мунча ишоб (жаҳл) қилдим. Ул табассум қилиб дедиким, саломат бўлгил худонинг бандасига ҳақорат назари бирла қарамоқ яхши эмас, ҳаммамиз бир даргоҳнинг бандасидурмиш — деди. Эй фалони, гўёки соати ўтмай ул тили кесилгунинг сўзи асар қилди. Бир қадаҳ кўнорни келтириб, дарвозабон соқий бўлиб, қизларнинг бир бирга оё-оё ичирди. Улар тақриф қилгани учун мен ҳам бир мунча нўш айладим. Бир соат ўтгандан сўнг кўнор қайфияти ул хуморни дафъ қилиб бошогригини нажот топдим. Қазор, қанизақлар иморат ташқарисиди ул бола атрофда жам бўлиб, ҳазил-мўтойиба била ул болага озор берур эрдилар. У бул жиҳатдин жонидин тўйиб фарёд урарди. Сўрадикми бу беодоб кимдур? Дарвозабон дедиким бу бола масҳарабоздур,

## Донишмандлар хазинасидан

# БИРИНЧИ ДАРВЕШ ҚИССАСИ

умринг узун бўлғай, бу бола ҳаромдин бўлган тамом кўнорхоналарда ёронларни рафиқидур. Дедим, талаб қил, ани мен ҳам кўрсанман. Дарвозабон ани олиб келди. Шўхликдан анга гуфту-гу қилиб, ул ҳам кичик тили ва ширин мақоли била дарвозабонга аччиқ ва қўполлик била сўзлаб, дашонм берур эрди. Масҳарабозликни ваэини сикидиган бир мунча хандон бўлдим. Охирулар фармон қилдим кўнор кўзасини зарга тўлатиб бердилар. Фармон қилдим кўнор кўнор келтирил — деб. Ул бола ҳам қунда олиб келиб берур эрди. Дарвозабон ани бирла ҳазил қилиб кўноридин олиб ичар эрди. Вақтинки, улғ аймлар ўтгандан сўнг шаробхўрликка шуруъ қилдим. Кўнор ичадиган вақт этанда юраклар оғриб қўларимдин ва димоғларимдин сув томар эрди. Хохладикми ул болани суҳбатга муқарар қилурмишким, ўз қондаси била кўнорни келтирғай, то олти ойғача ул қонда барқарор эрди. Гохи шаробни ҳам ул болага бериб махлисда ўтиргузур эрдим. Анинг сарғуси ушбу эски тўн ва кигиз бурқ ва калта иштон эрди, ўзга ҳеч нима йўқ эрди. Андоқ гумон қилдикми, берган зарни кўнорилар сарқорига бериб турадур. Ул зар кифоя қилмагандур, буюрдикми, яна ул кўнор кўзасини зар-тиллога тўлатиб беринлар, то либосларини тўзатғай. Яна олти ойғача ушбу тарика бирлан турсин — дедим. Аммо, яна келганда ўша эски либос билан келар эрди. Дедимким, либосингни не учун ангиламансан, бу барча динор ва дирхамлар (пул бирлик) ки сенга бердилар не қилдинг? Ул бола йилғай бошлади ва дедимким, ҳеч кимим йўқ, етимдурман, устодим мени ижарага олиб йилғай бир тилло, қунига битта нон берадур, ҳар нимарсаки топсан уникидур — деди. Ул устоднинг бемуруватлигининг менинг хотиримга келдиким, ушбу кичик болани василаси била сармоа, динор топан бўлғай деб, ул боладин сўрадикми, кўнор оломқони билурмансан, бизни олдимида бўлғай? Агар муносиб кўрсанг итларинга хизмат қилурман — деди. Андин сўнг дарвозабонга амр қилдим, бу болани мақкам сақлағил, кўнорнинг асбобларини ани учун муҳайё қилгил ва мунча аҳолидин хабардор бўлгил — деб. Яхши либослар олиб бердим ва анинг бошини жароҳатини муолажасини қилдим. Вақтинки, ул бола чирқиндан тоза бўлди, либос фохирани кийиб, лазиз таомлар еди, шароб ичиб қундан-қунга аҳоли ўзгариб, ҳусни-жамоли зиёда бўлиб, шўхлик ва зарифлик бобида машўқи якто бўлдиким, анинг суҳбатининг ва ширин каломидин ҳаммага завқ-шавқ ҳосил бўлур эрди. Охирулар иш бу ерга етдиким анинг шахло кўзларининг нигоҳи кўзларимдин жой олди, анинг муҳаббатли кўнглимда макон олди. Агар бир нафас кўрсаман, жамоли зилолининг висолига етмас эрдим, хушимдан ажралар, қонли ҳасрат кўз ёшим шашқатор бўлур эрди. Анинг бир назари била қўл-оёғимга ларза қирарди, ранг ва рўйим сарғарур эрди. Ниҳоят, атрофимдан менинг ишқимдин хабардор бўлдилар. То уч йилгача анинг била ишқибозлик қилиб ҳар тарика била анинг ҳажри ва висоли бирла сазоворлик қилур эрдим. Уч йилдин сўнг маҳрамлар андоқ маслаҳат қўрдиларким, энди халқ хузурида ҳарамга киргизмағайким, маломат босидур, халқдин пичқона қўришмоқни лозим тутсун — деб, қарор қилдилар. Буюрдикми чорхорс бозориди бир дўкон тайёрлаб, анинг учун иккита минг тилло зарга турли матолар харид қилиб берсунлар — деб. Дўконни тайёрлаб бердилар. Ҳар тарафдин менинг хотирим учун ани ривоят қилур эрдилар. Ҳар нимарсаки отамни сарқорига лозим бўлур эрди, анинг муносабатини лойқиди оломқотмоқни ружуъ қилур эрди. Анинг учун ховли ҳам харид қилиб, гулом ва қанизақлари, уй асбоби била ўзининг сарқоримдин юбордим. Ховлимнинг боғчасидин ани ўтирадиган жойига йўл қўйиб дои ва доининг қизи ва дарвозабондин ўзга хизматкорларга биндирмай, кечаси халқ уқлагандин кейин маҳрамлар ани хизматимга ҳозир қилур эрди. Субҳи қозибгача суҳбатни холи тутар эрдим. Ушбу зайл била неча муддат қўнглимин хуш қилур эрдим.

